

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>З.Пардаева</b>	
Шеърӣ асарда метафоризация хусусиятлари (А.Ахматова ва М.Цветаева шеърӣати мисолида).....	82
<b>З.Мамадалиева</b>	
“Ҳайрат ул-аброр” достонида Хожа-қўнгул образи ва унинг такомилӣ.....	88
<b>И.Рустамова</b>	
Бадиий ижодда деталлар функционалиги ва динамиклиги.....	94
	ТИЛШУНОСЛИК
<b>А.Бердиалиев</b>	
Эга ва унинг умумлисоний хусусиятлари ҳақида.....	98
<b>Т.Эназаров</b>	
Шеваларни илмий ҳамда амалий тадқиқ этиш назарияси ва концепцияси.....	102
<b>Ҳ.Шокирова</b>	
Шахс дейксиси имкониятлари.....	108
<b>М.Абдупаттоев, В.Абдурахмонов</b>	
Микроматн композицияси.....	116
<b>Ф.Шарипов, Т.Галиев</b>	
Ўзбек тилшунослигида сўзшакл ҳақида.....	121
<b>М.Ширинова</b>	
Кинофильмлар номлари лингвистик аспект материали сифатида.....	126
	ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ
<b>Т.Эгамбердиева, М.Зиёева</b>	
Ўзбекистон олий педагогик таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар мазмуни.....	130
<b>Ҳ.Қодирова, М.Юнусалиева</b>	
Тўғарак машғулотида мантиқий фикрлашни ривожлантириш ёрдамида ўқувчиларни олимпиадаларга тайёрлаш.....	136
	ИЛМИЙ АХБОРОТ
<b>Д.Мухторова</b>	
Ядросида Гауссинг гипергеометрик функцияси қатнашган интеграл тенгламаларни ечишнинг композицион усули ҳақида.....	141
<b>К.Кодиров, Т.Тўхтасинов</b>	
Лордания билан алгебрасидаги конвергенция топологияси.....	144
<b>М.Имомова, Б.Абдуғаниев, А.Турдибоев</b>	
Мотор ва сурков мойларининг физикавий кўрсаткичлари ва кимёвий таркибини ускунавий услубларда аниқлаш.....	148
<b>Р.Казоков</b>	
Кимё ўқитиш самарадорлигини оширишда уй кимёвий тажрибаларнинг роли.....	152
<b>М.Ҳакимов, А.Маруфжонов</b>	
Ўзбекистонда анор етиштиришни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишлар.....	156
<b>С.Исроилжонов, В.Каримов</b>	
Озиқ-овқатлар таркибидаги ксенобиотикларнинг ҳамда захарли моддаларга одам организмидаги ҳимоявий омиллар таъсирини ўрганишга кириш асослари.....	159
<b>А.Гадоев, В.Каримов, Г.Гадоева</b>	
Мушуклар организмида <i>Sarcocystis tenella</i> railliet, 1886 саркоспоридийларнинг ривожланиши.....	162
<b>М.Дадақўзиёв, О.Эркабоев</b>	
Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси фанини ўқитиш бўйича илғор хорижий тажрибалар.....	165
<b>Ф.Маматов</b>	
Глобаллашув жараёнида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишнинг инновацион омиллари.....	168

УДК 37(091)

## ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР МАЗМУНИ

## СОДЕРЖАНИЕ РЕФОРМ, НАПРАВЛЕННЫХ НА РАЗВИТИЕ СФЕРЫ ВЫСШЕГО ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА

## CONTENT OF THE REFORMS AIMED AT THE DEVELOPMENT OF THE SPHERE OF THE HIGHER PEDAGOGICAL EDUCATION OF UZBEKISTAN

Т.Эгамбердиева<sup>1</sup>, М.Зиёева<sup>2</sup><sup>1</sup>Т.Эгамбердиева

– ФарДУ, педагогика фанлари доктори, профессор.

<sup>2</sup>М.Зиёева

– ФарДУ, педагогика назарияси ва тарихи йўналиши 2-курс магистранти.

**Аннотация**

Мақолада ҳозирги кунда Ўзбекистон олий педагогик таълим соҳасини ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмуни ҳақида сўз юритилади. Олий педагогик таълим тизимини ислоҳ қилишда хорижий таълим тажрибасидан фойдаланиш борасида ҳам фикрлар билдирилган. Бу борадаги халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилган.

**Аннотация**

В статье рассматривается содержание реформ, направленных на развитие высшего педагогического образования в Узбекистане. Высказаны мнения об использовании зарубежного опыта при реформировании системы высшего педагогического образования. Особое внимание уделяется международному сотрудничеству в данной сфере.

**Annotation**

This article discusses the content of the ongoing reforms in the development of higher pedagogical education in Uzbekistan. Opinions were also expressed on the use of foreign educational experience in the reform of the higher pedagogical education system. Special attention is paid to international cooperation in this area.

**Таянч сўз ва иборалар:** олий педагогик таълим, хорижий тажриба, халқаро ҳамкорлик, рақамли технологиялар, педагогик кадрлар, ислоҳот, таълим, тарбия.

**Ключевые слова и выражения:** высшее педагогическое образование, зарубежный опыт, международное сотрудничество, цифровые технологии, педагогические кадры, реформа, образование, воспитание.

**Keywords and expressions:** higher pedagogical education, foreign experience, international cooperation, digital technologies, teaching staff, reform, education, upbringing.

2020 йил 24 январь Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида 2021 йилга “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш” йили, деб ном берилиши бежиз эмас. Албатта, ҳозирги кунда ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш долзарб масаладир. Мурожаатномада таъкидлаганидек, “Ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш – энг устувор йўналишлардан бири бўлиши лозим. Шу сабабли биз ислоҳотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва хунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз” [1], дея таъкидлаб

ўтди. Шунингдек, яна таълимни ривожлантиришга қаратилиб айтилган фикрлари ҳар қандай ёш авлодни тўлқинлантириб юборади. “Таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб, хизмат қилиши лозим. Шу мақсадда “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширамиз” [1], дея эътироф этди.

Жаҳоннинг энг ривожланган — АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония каби мамлакатларнинг тарихий тажрибаси шундан далолат бериб турибдики, улар мустақиллик ва тараққиёт йўлига қадам қўйишлари билан асосий эътибор ва маблағларни, биринчи

навбатда, таълим тизимини яхшилашга, ёшларни ўқитиш ва тарбиялашга сарфлаганлар. Бундай сиёсат тарихий тажрибада ўзини оқлади. Иймон-этиқодли, билимли, меҳнатсевар ёшлар, ишбилармон малакали мутахассислар ақл-заковат билан иш юритиб, ўз Ватанларининг қудратини оширдилар, ўз халқлари учун юқори турмуш даражасини таъминлай олдилар. Бизда бу жараён қандай кечди? Ҳозирги кунда таълим соҳасидаги муаммоларнинг илдизи бўлган педагогик кадрлар тайёрлашнинг тарихий тажрибасига тўхталиб ўтишимиз лозим.

1917 йилги Октябр тўнтаришидан сўнг собиқ совет давлати таълим соҳасида, айниқса педагогик кадрларни тайёрлаш борасида кўплаб сиёсатларни амалга оширдилар. Эски мактабларда ишлаб келган ўқитувчиларни қайта тарбиялаш ва шўролар тузумига мос ўқитувчиларни тайёрлаш ишига жадал киришилди. Модийончилик таълимоти негизда совет педагогикаси яратилди. Лекин жаҳон андозалари, ўзбек халқининг миллий тараққиёти нуқтаи назаридан қараганда, педагогик таълим соҳасида айрим хатоликларга ҳам йўл қўйилди. Бу хатолар собиқ Иттифоқда амалга оширилган буюк давлатчилик, руслаштириш, бошқа миллат кишиларининг ўзлигини англашга йўл қўймасликка интилиш сиёсати билан, яъни ғайриилмий сиёсат билан боғлиқдир. Бу ҳақда педагогика фанлари доктори, профессор Малла Очиловнинг “Муаллим – қалб меъмори” асарида қуйидаги фикрларни ўқишимиз мумкин: “Ўзбекистонда ҳам кўпгина педагогика институтлари, педагогика билим юртлири очилди. Лекин собиқ Иттифоқда буюк давлатчилик, руслаштириш, бошқа миллат кишилари ўзлигини англашга йўл қўймасликка интилишдек ғайриилмий сиёсат амалга оширилди. Кейинги 30-40 йил давомида халқ таълими соҳасига маблағ ажратишнинг илмий тамойиллари бузилди. Кейинчалик эса мактаб ва ўқитувчиларнинг моддий аҳволи бошқаларга нисбатан йил сайин пасая борди. Қобилиятли кишилар, айниқса эркаклар халқ хўжалигининг бошқа соҳаларига ишга ўтиб кетдилар. Педагогика ўқув юртлирига кирувчи ва уни битирувчиларга нисбатан талабчанлик бўшаштирилди. Натижада педагогикка қобилияти йўқ, билими паст юзлаб ёшлар ҳар йили республика ўқитувчилари таркибига қўшила бошладилар” [6].

Ўқитувчилар ёшларга кўпроқ назарий билим беришга интилдилар. Мактаблар борган сари болаларни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш жараёнидан узоқлаша борди. Ўқитувчиларнинг амалий фаолияти, таълим-тарбия ишлари Марказда тузилган ягона ўқув режалари, ягона дастур, ҳамма республикалар учун бир хил дарсликлар, бир йўналишдаги иш шакллари ва усулларини қўллаш лозимлиги билан чеклаб қўйилди. Ўқитувчиларнинг эркинлиги, ташаббускорлиги амалда йўққа чиқарилган эди. Натижада ўқитувчилар педагогик жараёнга янгилик олиб кирмадилар, ўз устиларида ишламай қўйдилар ва бу, ўз-ўзидан, таълим тизимидаги муаммолар занжирини ҳосил қилди.

Мамлакатимиз ўз истиқлолини қўлга киритгач, иқтисодий ва маънавий соҳада мустақилликка эришиш вазифаси кун тартибига қўйилди. Таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли йўналишларини аниқлаш, айниқса педагог кадрларнинг касбий малакалари ва билим савиясини узлуксиз юксалтириш энг долзарб масалалардан бирига айланди. 1997 йил 29 августда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Бу ҳужжатларда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари, принциплари белгилаб берилган.

Истиқлол йилларида таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилганини таъкидлаган ҳолда, айтишимиз жоизки, мақсадлар ва уларга эришиш усул ва воситаларини аниқ белгилай олмаслик, меҳнат бозори талабларини чуқур ўрганмаслик, ундаги талаб ва таклифнинг номувофиқлиги, одамларнинг ижтимоий аҳволи ва хоҳиш, истакларини инобатга олмаслик оқибатида анчагина жиддий хато ва камчиликлар ҳам кузатилди. Натижада камчилик ва муаммолар сабабли “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида назарда тутилган талаблар тўлиқ ижросини топмади. Таълимдаги муаммолар тизими миллий тажриба билан хорижий тажрибани бирлаштириб, ислоҳ қилиш заруриятини юзага келтирди.

1997 йил 29 августда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги,

жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир. Ушбу дастур асосида олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашда бир қанча ислохотлар амалга оширилди. Кадрларнинг асосий контингенти бакалаврият ва магистратура орқали тайёрланди. Юқори илмий салоҳиятли, малакали кадрларни тайёрлаш аспирантура, ординатура, адъюнктура, докторантурада амалга оширилади.

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилди. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий базаси яратилди, халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқарилди, халқаро таълим тизимлари ривожлантирилди, илмий-педагог кадрлар, талабалар ва ўқувчилар алмашиш кенгайди. Таълим тўғрисидаги миллий ҳужжатлар халқаро миқёсда эътироф этилиши учун асос яратилди. Янги ўқув даргоҳлари очилди, талабаларнинг хорижий мамлакатларда касб эгаллашларига кенг йўл очиб берилди, ривожланган давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртларининг филиаллари республикамизда очилиб, фаолият юритмоқда. Айни пайтда республикамизда 130 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, уларнинг 96 таси маҳаллий олий таълим муассасаси, 25 таси хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари ва 9 та нодавлат олий таълим муассасасидир.

Мамлакатимизда бугунги давр талаби ҳамда унинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, барча соҳаларда бўлгани каби, олий педагогик таълим соҳасида ҳам эришилган натижалар билан кифояланиб қолмасдан, уларни янада мустаҳкамлаш ва олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш, бутун мамлакат билан бирга таълим соҳасини ҳам модернизация қилиш йўлидан қатъий бормоқда. Айниқса олий таълим тизимини ислоҳ қилишда хорижий таълим тажрибасидан фойдаланиш борасида ҳам кенг қўламли ишлар қилинмоқда ва амалиётга татбиқ этилмоқда.

Юртимизда педагогик таълим илмий асосда ташкил этилиши лозим. Педагогик таълимнинг мазмуни, шакллари, усулларини танлашда педагогика фанида илмий асосланган дидактик тамойиллар ва таълим қонуниятларига суянилади.

Педагогик таълимнинг мазмуни, шакллари ва усуллари умумбашарий ва миллий қадриятларни, халқимизнинг тарихий анъаналарини, маданият ва фан бобидаги кўп асрлик тажрибасини, келажакда буюк Ўзбекистон давлатини барпо этиш истиқболларини кўзлаб ташкил этилади.

Ўзбекистон сўнгги йилларда юқори тайёргарликка эга бўлган инновацион технологияларни қўллаш оладигон педагогик кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Буни биз кейинги йилларда жорий қилиниб, амалга оширилаётган ислохотларда ҳам кўришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида сўнгги йилларда олий педагогик таълим соҳасини ислоҳ қилишга, кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан такомиллаштиришга, хусусан, тизимга ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини татбиқ этишга жиддий эътибор қарата бошлади. Бу борадаги ислохотлар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида таълим соҳасини тубдан такомиллаштиришга эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси устувор йўналишларига мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан янгилаш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори қабул қилинган. Ундаги устувор вазифалар сифатида қуйидагилар белгиланган:

- ҳар бир олий таълим муассасасининг жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш;

- ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик

технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий қилиш;

- ўқув-педагогик фаолиятга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш;

- магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларнинг стажировка ўташларини, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишни хорижий таълим ва илмий муассасаларда ташкил қилиш вазифалари белгиланган [2]

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида самарали халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида бугунги кунда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бош илмий-методик марказ ҳамда Таянч олий таълим муассасалари ҳузуридаги марказлар томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган мазкур ҳужжатларнинг барчасида соҳага инновацияларни киритиш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, ижодий ёндашувларни қўллаб-қувватлаш, таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтириш билан боғлиқ умумий жиҳатлар мавжуд.

Ҳукуматимиз томонидан 2019-йилнинг 8-октябр куни “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони имзоланди. Ушбу концепцияга мувофиқ олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида “халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш белгиланган” [3]. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда юртимизда кадрлар тайёрлаш жараёнида амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимини яратиш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади ва бунинг ечимини топишда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар тўғрисидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида долзарб масалалар қаторида илм-фан ва таълим, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт муносабатларига алоҳида урғу берилганлиги бежиз эмас. Таълим йўналишида мурожаатномада белгиланган вазифалар куйидагича бўлди:

- мактаб битирувчиларининг олий таълимга қамрови 25 фоиздан 50-60 фоизга етказилади;

- ОТМ давлат гранти асосида қабул икки баробар оширилади, шунингдек, қизлар учун алоҳида давлат грантлари жорий этилади;

- ўқишга кириш соддалаштирилади;

- мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони икки бараварга камаяди;

- олий таълим ўқув жараёнида кредит-модул тизими жорий этилади;

- педагогик таълимнинг 6 та йўналиши бўйича ўқиш муддати 3 йил этиб белгиланади;

- 10 та ОТМ ўзини-ўзи молиялаш тизимига ўтиб, камида 5 та ОТМ трансформация қилинади [4].

2020 йил 27 февралда “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори эълон қилинди. Ушбу Қарорнинг асосий мақсади педагогик таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, педагогик таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш ва педагог кадрларни жаҳон талабларига жавоб бера оладиган кадрлар қилиб тарбиялашни назарда тутати.

Педагогик таълим соҳасини янада такомиллаштириш, замонавий билим ва педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшувчи юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун профессионал педагог кадрлар етказиб бериш, соҳага илғор таълим технологияларини жорий қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 24-январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

Қуйидагилар педагогика таълим соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

–тарбия ва ўқитиш усуллари, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда хорижий тилларни пухта ўзлаштирган, таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга профессионал педагог кадрлар тайёрлаш;

–педагогик касбга қизиқиши юқори бўлган ёшларни аниқлаш ҳамда уларни мақсадли тайёрлаб ва тарбиялаб боришнинг узлуксиз тизимини жорий қилиш;

–педагогик таълим соҳасининг таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режа ва дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, инновацион ўқув-меъёрий ва таълим ресурсларини яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш;

–соҳада таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш орқали таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш;

–педагог кадрлар буюртмачилари эҳтиёж ва талабларини мунтазам ўрганиб бориш, улар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда педагог кадрлар тайёрлашнинг илмий асосланган истиқболли режаларини белгилаш ва уларни амалга ошириш;

–олий педагогик таълимга рақамли технологияларни жорий этиш, замонавий ахборот-коммуникация ва таълим технологияларининг мустақкам интеграциясини таъминлаш пировардида педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш;

–педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва уларда бошқарув фаолиятини такомиллаштириш;

–педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, соҳадаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш;

–юксак маданиятли, амалий касбий кўникмага эга тарбия, ўқитиш методлари ва баҳолаш мезонларини пухта эгаллаган замонавий педагог кадрларни шакллантириш жараёнлари самарадорлигини ошириш [5].

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, педагогик таълимнинг 6 та йўналиши бўйича

ўқиш муддати 3 йил этиб белгиланди. 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб кадрлар тайёрлаш ўқиш муддати 3 йил бўлган бакалаврият таълим дастурлари асосида амалга ошириладиган педагогик таълим соҳасининг айрим бакалаврият таълим йўналишлари қуйидагилар:

1. Мусиқа таълими.
2. Жисмоний маданият.
3. Технологик таълим.
4. Чақириққача ҳарбий таълим.
5. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси.

6. Мактабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия ва спорт [5].

Худудларда педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, таълим соҳаси учун мутахассис тайёрловчи олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

Самарқанд давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизида Самарқанд давлат университетининг Педагогика институти;

Андижон давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизида Андижон давлат университетининг Педагогика институти;

Бухоро давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизида Бухоро давлат университетининг Педагогика институти;

Тошкент давлат педагогика университетининг Термиз филиали ҳамда Термиз давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизида Термиз давлат университетининг Педагогика институти;

Тошкент давлат педагогика университетининг Шаҳрисабз филиали ҳамда Қарши давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизида Қарши давлат университетининг Педагогика институти ташкил этилсин [5].

Педагогик олий таълим ва педагогик илмий-тадқиқотлар соҳасида Шарқ ва Европа мамлакатлари билан алоқалар ўрнатиш, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик дастурига қуйидагиларни киритиш лозим:

- хорижий мамлакатлардаги педагогик ўқув ва илмий тадқиқот марказлари билан алоқалар ўрнатиш;

- педагогик муаммоларни тадқиқ этишда ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- ўқитувчилар, докторантларни илмий ва педагогик фаолиятга тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш;

- педагогик муаммолар бўйича халқаро семинарлар, симпозиумлар, конференциялар ўтказиш;

- олий педагогик таълим бериш жараёнида рақамли таълим технологияларидан кенг фойдаланиш;

- педагогик таълим ва педагогика фани соҳасида янгиликлар алмашиш, мактаблар, педагогика ўқув юртларининг ўқув режалари, ўқув дастурлари, дарсликлар методик қўлланмаларни ўзаро алмашиш.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, сўнги йилларда ҳукуматимиз томонидан

таълим тизимида ислохотлар ва янгиланиш жараёнлари тезкор суръатлар билан амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг истиқболи, бозор иқтисодиёти қонунларига асосланган жамият қуриш соҳасидаги ишларнинг самараси, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқ. Бир томондан ёшларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, таълим-тарбия ишларининг мазмунини янгилаш, ўрта ва олий мактабларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, ўқув режалари ва дастурларини, дарслик ва ўқув қўлланмаларини тубдан янгилашни талаб этса, иккинчи томондан ўқитувчи – тарбиячиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини такомиллаштиришни талаб этади. Чунки, таълим-тарбиянинг самараси, таъсирчанлиги, аввало ўқитувчига, унинг билимдонлиги, касбий тайёргарлиги, педагогик ишига қобилияти, қизиқиши, маҳоратига боғлиқ. Шунинг учун ҳам халқаро тажриба асосида педагог кадрларни тайёрласак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. – Т., 2020. [www.president.uz](http://www.president.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ 2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
3. Мирзиёев Ш, “Олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепцияси”ни тасдиқлаш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг Фармони 2019, 9 октябрь. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январ Олий Мажлисга қилинган Мурожаатномаси пайтида сўзлаган нутқидан. – Т.: 2020. [www.president.uz](http://www.president.uz).
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сонли Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
6. Очилов М. Муаллим – қалб меъмори. – Т., 2001.